

Ёш адабиёт шинавандаларининг бундай кизгин бахсларига сабаб бўлган миш-миш Усмон Носирнинг жияни Нодира Рашидова томонидан узок йиллардан бери мамлакатимиз бўйлаб таркатилиб келинмоқда. Бу куракда турмайдиган гаплар таркала бошлаганда Хамид Олимжоннинг рафикаси Зулфияхоним бархаёт бўлиб, шоир хаёти ва ижоди билан шугулланиб келаётганим учун каминани Н.Рашидовага жавоб беришга ундаган, хатто мени локайдликда айблаб ранжиган, аммо мен бу тухмат сўзлари матбуотда бўй кўрсатмагани туфайли уларга жавоб беришни ўринсиз, деб ҳисоблаб келаётган эдим. Афсуски, Хамид Олимжон ижодини билган бирор киши шу вақтгача “кишт” демагани учун Рашидова тинимсиз равишда марҳум шоир хотирасига маломат тошларини отиб келди ва хозир ҳам отишда давом этмоқда.

Рашидова бундан бир неча йил илгари Хамид Олимжоннинг гўё Усмон Носирдан “ўғирлаб олган” шеърлари каторида “Ўрик гуллаганда”ни ҳам тилга олар эди. Камина бу машхур шеърнинг 1937 йил 30 март куни ёзилгани, унда Козогистон Советларининг I курултойига мехмон бўлиб борган шоирнинг калин қор гилами билан копланган Олма-отадан ватанига қайтгач, ховлисидаги чаман бўлиб очилган ўрик гуллари билан олган хис-туйғулари ифодаланганини қаердадир айтган ва ёзган эдим. Мазкур шеърнинг ўша йили 6 апрель куни “Кизил Ўзбекистон” газетасида илк бор чоп этилганини ҳам маълум қилган эдим. “Ўрик гуллаганда” шеъри шундан кейингина Рашидованинг рўйхатидан тушиб қолган.

Энди “Ўзбекистон” ва “Россия” шеърларига келсак.

Бу шеърлардан бири Ўзбекистон шўро республикасининг 15 йиллиги муносабати билан 1939 йилда ёзилган ва илк бор Хамид Олимжон вафотидан кейин унинг “Танланган асарлар” тўпламида (1944) эълон қилинган. Бу шеърнинг ўз вақтида чоп этилмагани сабаблари бизга маълум эмас. Аммо уни шу йили Хамид Олимжон раҳбарлигида ва фаол иштирокида ёзилган машхур шеърининг хатлар, шунингдек, шу муаллифнинг “Ойгул билан Бахтиёр” ҳамда “Семург ёки Паризод ва Бунёд” дostonлари билан қиёслаб кўрсак, бу асарлар ўртасида шеърининг услубий муштараклик мавжудлиги ойдек равшан бўлади. “Ўзбекистон” шеърида ёркин ифодасини топган Хамид Олимжонга хос шеърининг тафаккур парвозини, мусикий раванликни, жўшқинликни, қуймаликни бошқа бирор шоирда учратиш маҳол.

“Россия” шеъри эса 1943 йил 3-6 март кунларида ёзиб тугалланган. Бу шеърнинг араб имлосида қора қалам билан ёзилган автографи Хамид Олимжоннинг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейидаги Ўзбек ёзувчилари арзивида сақланади. Маълумки, Ўзбекистон ҳукумат делегацияси 1943 йил февраль-март ойларида Москва бўсагаларида душман билан жон олиб, жон бераётган ўзбек жангчиларига совга-салом олиб борган. Хамид Олимжон делегация аъзоси сифатида урушнинг дахшатли

манзараларини ўз кўзи билан кўрибгина колмай, Россиянинг бепоён мамлакат эканига ҳам ишонч хосил килган. Мазкур шеър шу машаккатли сафар чогида, бомба ва снарядлар ёмгири остида тугилган. Буни 90-йилларга қадар ўзбек мактабларида таълим олган ўқувчилар яхши билишади. (Рашидова рус мактабида ўқигани учун бу оддий хакикатдан беҳабар бўлса, Хамид Олимжон ҳам, биз ҳам айбдор эмасмиз.)

Усмон Носир ўзбек ёзувчилари орасида шўро давлати қаҳрига учраган энг ёш ижодкор эди. Балки шу туфайлидир Сталин ва унинг ҳеш-аҳраболари имзолаган Катл этилувчилар рўйхати (Расстрельные списки) да шоир исм-шарифи 10 йиллик қамоқ жазоси берилиши назарда тутилган 2-тоифадаги маҳкумлар сирасига киритилган. Усмон Носир жазо муддатини ўташ учун ажал тегирмони – Колимага юборилган. У Магадандаги лагерлардан бирида жазо муддатини ўташ вақтида (шароит берган имконият доирасида) ижод билан ҳам шугулланган. Маҳбус 1940 йил 20 август куни Магадан шаҳридаги 261/5 почта кутиси (2-саноат комбинати) дан Сталинга йўллаган хатида қайд этишича, “маҳбусликда кечирган уч йил ичида ҳар қандай кийинчиликларга қарамай, битта шеърӣ роман, учта пьеса, қатор шеърлар тайёрла”ган. Бу хат турли чигирликлардан ўтиб, 1940 йил 28 декабрда (яъни тўрт ою саккиз кун деганда) ВКП(б) Марказий Комитетига келиб тушган. Марказий Комитет девони хатни Сталин қотибиятига эмас, балки СССР прокуратурасига жўнатган. СССР прокуратураси эса ўз навбатида мазкур хатни СССР Бош ҳарбий прокуратурасига ўрганиш учун юборган. Орадан бир йил ўтгач, 1942 йил 8 январда СССР Бош ҳарбий прокуратураси Ўрта Осиё Ҳарбий округи ҳарбий прокуратурасига мурожаат этиб, маҳбуснинг айбдор ёки айбсиз эканлигини аниқлаш учун “адабиётчи мутахассислардан иборат” экспертлар гуруҳини ташкил этишни тавсия қилади. Табиийки, Ўрта Осиё Ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси Усмон Носир “иши”ни қайта кўришни НКВД ихтиёридаги маҳбуснинг ижтимоий ва ижодий қиёфасига оид ҳужжат ва маълумотларни ўрганишдан бошлайди. Айни вақтда унинг “меҳнат-тузатув лагерлари”даги ҳулқ-атворида доир маълумотлар билан ҳам танишиш мақсадида Магадандаги тегишли идораларга мурожаат этади... Хуллас, “адабиётчи мутахассислардан иборат гуруҳ” 1944 йилнинг май ойидагина Усмон Носир “иши”ни қайта кўриш масаласига жалб этилади.

Усмон Носир “иши”ни қайта ўрганиш ҳақидаги кўрсатма Тошкентга 1942 йил январида келган. Шунга қарамай, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул қотиби Хамид Олимжон ҳам, “адабиётчи мутахассислардан иборат гуруҳ” ҳам бу ишга 1944 йилдагина жалб этилганлар. Аммо Ёзувчилар уюшмаси хайъати аъзоларининг Ўрта Осиё Ҳарбий округи ҳарбий прокуратурасига йўллаган 1944 йил 6-8 май санали хатидан ҳам, экспертлар гуруҳининг 1944 йил 30 ноябрь санали ҳулосасидан ҳам шу нарса равшан бўладики, Усмон Носирнинг Сталин номига йўллаган асарлари уларга берилмаган. Экспертлар гуруҳи маҳбус шоирнинг фақат “Меҳрим” шеърлар тўплами ҳамда “Богчасарой фонтани” ва “Демон” асарларининг таржималари тахлили асосидагина ҳулоса берган. Ўйлайманки, агар шоирнинг Магаданда ёзган асарлари Тошкентга етиб келганида, улар, албатта, “адабиётчилардан иборат гуруҳ”га берилган ва улар томонидан тақриз қилинган бўларди.

Бу, масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, Усмон Носир ҳали озодлик ҳавоси билан нафас олиб яшаган йилларида Ленин тўғрисида шеърӣ роман, Тошкент қамоқхонасида ётган кезларида эса Сталин тўғрисида дoston ёза бошлаган. Усмон Носир хатида тилга

олинган шеърӣй роман ана шу икки тугалланмаган асардан униб чиккан бўлса ажаб эмас.

Масаланинг учинчи томони шундаки, Усмон Носир канчалик истеъдодли ва кенг билимли шоир бўлмасин, унинг лагерь шароитида тарихий мавзудаги “Муканна” ва реал хаётий воқеага асосланган “Жиноят” драмаларини ёзиши асло мумкин эмас. Хамид Олимжон ижоди билимдонларининг маълумот беришларича, бўлажак шоир Педакадемияда тахсил кўрган йилларидаёқ Муканна кўзголови билан кизиқиб, ўзбек халқи тарихининг бу қахрамонона саҳифасини кунт билан ўрганган. 1937 йилда эса Муканна бошчилигидаги халқ кўзголовига бағишланган трагедия ёзишга аҳд қилиб, хатто унинг биринчи пардасини ёзиб тугатган. Лекин хали адабий тажрибанинг етишмаслиги боис у ижодий ниятини бадиий мужассамлантириш имконига эга бўлмаган. Орадан беш йил ўтиб, Хамид Олимжон муайян ижодий малака ҳосил қилгач, яна Муканна мавзуга қайтади. 1941 йил бошларида трагедия ёзишга қайта киришиб, 12 февралда унинг биринчи пардасини кўлдан чиқаради. Шундан кейин у 5 майга қадар асар устида узлуксиз ишлайди. Сўнг, маълум сабабларга кўра, бир йил “танаффус қилади” ва, ният, 1942 йил 31 майда асарга сўнги нукта қўяди.

Хамид Олимжон ўз асарини ёзишдан аввал тарихий адабиётни синчковлик билан ўрганган. У тўплаган ва ўрганган материаллар орасида М. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари таржимаси, Г.А. Иброҳимовнинг «Ислоннинг келиб чиқиши ва синфий моҳияти» китоби, «Куръон» сураларининг русча таржималари, шунингдек, ўзбек халқининг келиб чиқиши, оловга сизиниш, буддизм ва хоказоларга оид манбалардан кўчирма ва конспектлар бор. Бу материаллар Хамид Олимжоннинг 10 жилдлик “Мукамал асарлар тўплами”да эълон қилинган.

“Муканна” драмасининг ҳозирги Ўзбекистон Миллий театридаги премьераси 1943 йил 24 сентябрда бўлиб ўтган. Шу воқеадан аввал Хамид Олимжон мазкур асарнинг мусикали драма вариантини яратган. Бу асарда “Куйгай”, “На бўлгай” сингари ўнлаб ария, дуэт ва хорлар бўлиб, уларга Юнус Ражабий мусика басталаган. “Муканна” мусикали драмаси ўша йиллардаёқ Янгийўлдаги вилоят мусикали драма театрида саҳна юзини кўрган.

Бизга яна шу нарса маълумки, Хамид Олимжон Уйғун билан Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасини биринчи бўлиб ўқиб, муаллифларни катта ижодий галаба билан табриклаган. “Бир мунча вақтдан сўнг, - деб ёзган эди Уйғун “Ҳамиша кўз олдидан” деган мақолада, - Хамид Олимжон “Муканна” драмасини ёзди. Мени олдига чақириб (ўша вақтда у Ёзувчилар союзида ишларди) столга бир папка қўйди ва мулоҳиба қилибди: - Мен ҳам бир нарса қораладим, - деди. - Хали ҳеч кимга кўрсатганим йўқ, ҳеч ким ўқимаган. Биринчи бўлиб сизга ўқитишни лозим топдим. Сизга маъқул бўлса, сўнг бошқаларга кўрсатаман. Агар маъқул бўлмаса, маслаҳат берасиз, қайта ишлайман. Хар холда “Алишер Навоий” драмаси билан бу соҳада анча тажриба орттиргансиз. Драмани дарҳол ўқиб чиқиб, бу ажойиб асар билан авторни қутладим. Сўнг асарни расмий равишда бошқаларга ўқишга бердик...” (“Гулистон” журнали, 1979 йил, 5-бет). Энди ўйлаб кўринг. Усмон Носир Магадандаги азоб-укубат лагерида, бутунлай ўзга руҳий муҳитда яшаб туриб, тарихий манбалар асосида Муканна кўзголови тарихини ўрганиши ва оташин сатрлар жавлон уриб турган патетик трагедияни яратиши мумкинми?!.

“Жиноят” драмасига келсак, бу асар замирида келинига кўз олайтирган қайнота билан боғлиқ маънавий-ахлоқий масала ётади. Хамид Олимжон 30-йилларда Фарғона

водийсига килган сафариди шу воқеадан хабар топган ва каттик мутаассир бўлган эди. Балки уруш йилларида ҳам разолатнинг кўланса хиди уфуриб турган шундай воқеани эшитиб, мазкур драмани ёзишга аҳд килгандир. Магаданда, жабрдийда махбуслару шафкатсиз назоратчилар мухотида яшаган Усмон Носир нахотки ўзида шундай асар ёзишга зарурат сезган бўлса?!

Кўрамизки, Рашидованинг Хамид Олимжон шаънига айтиб келаётган сўзлари на эркинликда кайнок ижодий ва ижтимоий фаолият билан шугулланган Хамид Олимжонни, на туткунликда азоб-укубат чеккан Усмон Носирни яхши билмасликнинг, очикрок айтсак, нодонлик ва жохилликнинг натижасидир.

Кези келганда шуни айтиш керакки, СССР парчаланиши арафасида мен Рашидова билан бирга Усмон Носирнинг Магадандан Сталин номига жўнатган ва бошка камокхоналарда ёзиши мумкин бўлган асарларни излаб Москвадаги турли махфий идораларга учрадик. Нихоят, КГБ тизимидаги идораларнинг бирида хизмат килаётган офицер бизга бу асарларни топишга ёрдам беражагини айтди. Факат биз бу олижаноб офицерга махбус шоирнинг қачон ва қайси камокхона-ю лагерларда бўлгани хақида аниқ маълумот беришимиз лозим эди. Рашидова шоирга жигар бўлгани учун бундай маълумотни шахсан ўзи Тошкентдан юборажакка ваъда берди. Аммо кейинчалик маълум бўлишича, у хафсаласизлик қилибми ёки бошка бирор сабаб биланми КГБ офицери сўраган маълумотни юбормаган экан.

Шу воқеадан кейин кўп ўтмай, СССР парчаланиб, бояги офицер билан алоқа йўли узилиб қолди.

Рашидова “Усмон Носирни излаб” деган мақоласида (“Шарк юлдузи”, 1987 йил, 12-сон) бундай сўзларни ёзган эди: “1944 йилда Усмоннинг онаси, отаси, сингилларига узок Магадандан шоир Ўзбекистон Ёзувчилар союзига ўзининг кўлёмаларини юборибди, деган хабар келди. Бу 13 минг мисралик (7) “В.И.Ленин” ва “Шахло” (?) номли достонлар эди. Усмоннинг онаси дархол Ёзувчилар союзининг рахбарларига мурожаат қилди, лекин кўлёмаларни ололмади”.

Муаллиф “Ёзувчилар уюшмасининг рахбарлари” деганда, шубҳасиз, “Хамид Олимжон” назарда тутди.

1937-1938 йилларда «халқ душмани» сифатида айбланиб, борса-келмас жойларга бадарга қилинган махбуслар хат ёзиш ва хат олиш ҳуқуқидан тамоман маҳрум этилган эдилар. Бинобарин, Усмон Носирнинг Магадандан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига кўлёмаларини юборгани хақидаги сўзлар уйдирмадан бошка нарса эмас. Шу ўринда айтиш жоизки, кимнингдир гўё Усмон Носирдан хат олиб келгани ва бу хатда: “Синглим Рохатхон! Сенинг Ўткир Рашидга турмушга чиққанингни эшитиб кўп хурсанд бўлдим”, деган сўзлар ёзилганига ҳам ишониш гўллик бўлади. Махбус шоирнинг Магаданда туриб синглисининг турмушга чиққанидан хабар топиши ва унга ўз қувончини баён қилиб хат йўллаши асло мумкин эмас.

Усмон Носирнинг Сталинга ёзган хати тўғридан-тўғри Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига келмаган. Бу хат Ўрта Осиё Харбий округи харбий прокуратураси ихтиёрида бўлган, бинобарин, Хамид Олимжон ҳам, Ёзувчилар уюшмаси хайъати аъзолари ҳам бу хат билан фақат танишган бўлишлари мумкин, холос. Агар махбус шоирнинг Магаданда ёзган асарлари мазкур хат билан бирга харбий прокуратурага юборилганида, улар бу асарларни экспертлар гуруҳига тақриз қилиш учун, албатта, берган бўлардилар. Бинобарин, бу асарлар Москвада, ВКП(б) Марказий Комитетининг девонида қилган.

1937 йил қурбонларининг минглаб хатлари сингари, Усмон Носир хати ҳам шахсан Сталиннинг кўлига етиб бормаган. Шунинг учун “адабиётчилардан иборат гуруҳ”ни Сталиннинг буйруғи билан тузилган комиссия, дейиш хакикатни сохталаштириш билан барабар. Лекин масаланинг бу томони Рашидовани мутлако кизиктирмайди. У “Усмон Носир хакида”ги рисоласида (2001) бундай сўзларни ёзади:

“...Сталиннинг буйруғи билан (?) тузилган комиссия шоирни оклаганига (?) карамай, илтимосларга (?) хамиша рад жавоби келаверган (?)”(46-бет).

Яна: “Сталиннинг буйруғи билан (?) Ўзбекистоннинг раҳбари Усмон Юсупов профессор Боровков, Сиддик Ражабов ва Максуд Шайхзодадан иборат текширув комиссиясини туздириб (?), шоир Усмон Носир ижодини ўрганиш ва хулоса чиқаришни талаб қилади (?). Батафсил ўрганиш натижасида комиссия Усмон Носир ижодида “ҳеч қандай айб йўқ”лигини эътироф этади (?)” (44-бет).

Шўро давлатининг катагон сиёсатидан хабардор кишилар шунини яхши биладиларки, шу даврда республиканинг биринчи раҳбари “учлик” аъзоси бўлгани ҳолда хибсга олиш, камаш, отиш ва оклаш масаласида мустақил овозга эга бўлмаган. Комиссия тузиш ва унга йўлланма бериш ҳуқуқи НКВД раҳбарларидагина бўлган.

“Аммо шоирнинг айрим ҳамкасблари (Хамид Олимжон назарда тутилмоқда. – Н.К.), - давом этади Рашидова, - яна ўз қирдикорларини давом эттирадилар (?), унинг республика Ёзувчилар уюшмасига юборган янги асарларини сир тутиб (?), 1944 йилнинг 5 май куни тезкорлик билан чакирилган (?) мажлисда уни бошқатдан қоралайдилар” (44-бет).

Рашидованинг масъулиятсизлик билан айтган бу сўзлари қора тухматдан бошқа нарса эмас. Зеро, ҳарбий прокуратура Усмон Носир “иши”ни қайта кўришни, юқорида айтиб ўтганимиздек, уч йўналишда олиб борди. Биринчидан, 1937 йилдаги катагон жараёнида Усмон Носир номи тилга олинган сўроқномаларни ўрганиб чиқди. Иккинчидан, НКВДнинг Магадан бўлимига хат йўллаб, махбус шоирни бадном этувчи лагерь материалларини юборишни сўради. Учинчидан, Ёзувчилар уюшмаси хайъатидан Усмон Носир ижоди хакида тавсифнома беришни талаб қилди. 1944 йил 6-8 май кунлари уюшма хайъатининг 6 аъзоси Усмон Носир хакида умуман ижобий тавсифномага қўл қўйиб, ўша давр учун жасоратли ишни амалга оширди. Прокуратура уюшма номидан берилган тавсифнома билан ҳам қифояланмай, ўша йилнинг 18 майида Хамид Олимжонни, 19 майда Гафур Гулом ва Гайратийни, 22 майда Холида Сулаймоновани сўроққа чакириб, уларнинг Усмон Носир хакидаги фикрлари билан танишди. Шундан сўнггина прокуратура 18 июль куни 3 кишидан иборат экспертлар гуруҳини ташкил этишга қарор қилди. Бу гуруҳ шоир ижодини 4 ой давомида ўрганиб, 30 ноябрда ўз хулосасини берди. Прокуратура махбус шоир “иши”ни қайта кўришда давом этиб, ният, 1944 йил 15 декабрда “Носиров Усмон хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмагани учун” унга нисбатан кўзгатилган жиноий ишни тўхтатиш ва махбусни меҳнат-тузатув лагерида озод қилиш тўғрисида қарор чиқарди. Аммо афсуслар бўлсинки, Усмон Носир бундан 9 ой илгари, 1944 йил 9 мартда вафот этган эди..

Кўрамизки, шоирнинг кечикиб окланишида на уюшма раҳбариятининг, на бирор ёзувчининг айби йўқ. Шунинг учун Рашидованинг юқорида келтирилган барча сўзлари тухмат сифатида баҳоланиши мумкин.

Модомики, Рашидованинг қаҳрли нигоҳи аввало Хамид Олимжонга тушган экан, келинг, ҳарбий прокуратура ходими билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари ўртасида

бўлиб ўтган сўрок кайдномасига бир назар ташлайлик:

САВОЛ. Ўзбекистоннинг собик шоири Носиров Усмоннинг аксилинкилобий миллатчилик хулк-атвори тугрисида 1937 йилда комиссия томонидан берилган хулосаларни тасдиқлайсизми? (Комиссия хулосалари ўқиб берилди.)

ЖАВОБ. Мен аъзоси бўлган комиссиянинг 1937 йилда Усмон Носировнинг аксилинкилобий миллатчилик хулк-атвори тўғрисидаги хулосаларини тасдиқлайман. Кўрсатилган хулосалар айрим шахслардан тушган материаллар ва комиссия аъзоларининг улар билан қилган суҳбатлари асосида тузилган.

САВОЛ. Собик шоир Усмон Носировнинг аксилинкилобий миллатчилик хулк-атвори нималарда аниқ ифода қилган?

ЖАВОБ. Шахсан мен Усмон Носировнинг аксилинкилобий миллатчилик хулк-атворида доир бирор фактни билмайман. Усмон Носировнинг аксилинкилобий миллатчилик руҳидаги фикрларини эшитмаганман.

САВОЛ. Комиссиянинг 1937 йилдаги хулосаларида қайд этилишича, Носиров шеърият хақида сўзлаб: “Факат пессимистик дунёқарашгина юксак бадиий шеъриятнинг мазмуни бўлиши мумкин”, деган.

ЖАВОБ. Мен бундай фикрларни шахсан Носировдан эшитмаганман. Бу сўзни қуйидагича тушуниш мумкин: Шеъриятда ҳаётнинг ҳозирги ҳолатидан норозилик бўлиши лозим. Носировнинг “Меҳрим” шеърлар тўпламида пессимистик кайфият билан йўғрилган шеърлар бўлган. Мен ҳозир Носировнинг “Меҳрим” тўпламидаги шундай кайфият ва мазмун билан йўғрилган шеърларини аниқ кўрсатиб бера олмаيمان. Ҳозир “Меҳрим” тўплами йўқ, муомаладан йиғиштириб олинган.

САВОЛ. Комиссиянинг 1937 йилдаги хулосаларида қайд этилишича, Носиров шоир Лаврентьев билан суҳбати чоғида аксилинкилобий миллатчилик фикрларини баён қилган. (Комиссия хулосаларидан парча ўқиб берилди.)

ЖАВОБ. Мен шахсан бундай фактни билмайман. Лаврентьев билан суҳбатлашган эмасман. Бу масаланинг қандай ва ким томонидан ўртага ташлангани ёдимда қолмаган.

САВОЛ. Комиссиянинг 1937 йилдаги хулосаларининг 6-бандида қайд этилишича, Носиров Ўздавнашрнинг бадиий бўлимида Холида Сулаймонова, Наим Саидов (қамалган) ва Гайратий (ҳозирги вақтда ёзувчи ва ўқитувчи) ҳузурида миллатчи Абдулла Алавийга бағишланган шеърини ўқиган. Шу ҳақда сиз нималарни биласиз?

ЖАВОБ. Бу модда шахсан ёзувчи Гайратийнинг: “Алавий миллатчи ёзувчилар гуруҳига яқин шоир эди”, деган сўзлари асосида комиссия хулосаларига киритилган. (Абдулла Авлавй) 1930 йили Самарқандда вафот этган, жавобгарликка тортилмаган.

САВОЛ. Носировнинг миллатчи Чўлпон билан алоқаси қай даражада бўлган?

ЖАВОБ. Носировнинг бу алоқаси менга маълум эмас. Унинг қайси маълумот асосида комиссия хулосаларида ёзилганидан хабардор эмасман.

САВОЛ. Пушкин асарларининг ўзбек тилига бузиб таржима қилингани нималарда аниқ кўринади?

ЖАВОБ. Носиров тажрибали таржимон бўлмагани учун Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилишда йўл қўйилган ҳатоларни атайин қилинган, деб ҳисобламайман, бундай ҳатоларнинг бўлиши табиий, чунки улар дастлабки таржималар эди. Бу таржималарни қоникарли деб ҳисоблаш мумкин. Шуни тан олиш керакки, классиклар - Пушкин, Лермонтов асарларининг ўзбек тилига таржимаси Носировнинг катта хизматидир.

САВОЛ. Носировнинг аксилинкилобчилик ва миллатчилик мазмуни билан сугорилган

қандай асарларини биласиз?

ЖАВОБ. Носировнинг аксилинкилобчилик ва миллатчилик мазмунидаги асарларини билмайман. Мен Носировнинг “Меҳрим” шеърлар тўпламидаги пессимистик мундарижали асарларини биламан, (ундаги) баъзи бир шеърлар воқелиқдан узилган эди.

Бошқа бирор гапни айта олмайман”.

Шўро давлатининг 30-50-йиллардаги катагон сиёсати қораланмаган, аксинча, ҳамон давом этаётган мураккаб, ҳатто ҳавфли даврда Ҳамид Олимжоннинг қаламкаш биродари тўғрисида шундай сўзларни дадил айтиши жасорат эди. Агар экспертлар гуруҳининг Усмон Носирга бундай ён босиб ҳулоса бера олмаганини назарда тутсак, Ҳамид Олимжоннинг бу сўзлари унинг чин маънода қатта қалб эгаси бўлганидан шаҳодат беради.

Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ҳамид Олимжон билан Усмон Носир ўртасида бирор низо ёки қўнғилсизлик бўлмаган. 1937 йилнинг май ойида Москвада ўзбек санъати ўн қунлиги ўтказилган қунларда бу икки шоир ҳатто ҳамкорликда “Пушкин на узбекском языке” деган мақола ёзиб, уни “Литературная газета”нинг шу йилдаги 26 май сонида эълон қилишга муваффақ бўлганлар.

Наим Каримов